



## ИНТЕНЦИОНАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАРНИНГ МАҚСАД ҲОЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ. МАҚСАД ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

*Нажмеддинов Аҳмад Раҳматович*  
*Қўқон давлат педагогика институти,*  
*Қўқон университети*  
[intellect\\_star@mail.ru](mailto:intellect_star@mail.ru)

### Аннотация

Интенционаллик нутқ механизмининг асосий жиҳати сифатида замонавий тилшуносликнинг устуворлик касб этган тадқиқот йўналишларидан биридир. Коммуникантларнинг интенционал эҳтиёжи ва унинг нутқдаги рўёби масалалари тадқиқи нутқий актлар назариясини ўрганиш объекти сифатида майдонга чиқди.

**Калит сўзлар** мақсад, феъл, семантик, боғловчи, кўмакчи, интернет, равиш, журнал, ноаниқ.

Мақсад ҳоли кўрсаткичлари интенциянинг шаклланиш босқичининг мақсадни белгилаш фазаси эксплицит ифодасининг семантик хусусиятларини ўзида мужассамлайди ва функционал-семантик майдоннинг доминантаси ҳисобланиб, *нимага? ким учун, нима деб? нима мақсадда? қандай мақсадда?*<sup>1</sup> каби сўроқларга жавоб бўлади.

Илмий адабиётларда мақсад ҳолининг ўзбек тилида икки кўринишга эга эканлиги таъкидланади<sup>2</sup>:

1) аниқ мақсад ҳоллари: Дастурхонни олай деб унга томон бора бошладим.( Чўлпон,166)

2) ноаниқ мақсад ҳоллари: Йўқ, амаки,— деди Мастура бир оз хижолат бўлиб,— кечирасиз, атайин сўрашмаган эдим...( Қахҳор А., Дахшат, 61)

Аниқ мақсад ҳоли кўпинча *мақсадида, умидида, ниятида, учун, илинжида, кўзлаб, дардида* кўмакчилари билан бирга келган от сўз туркуми, ҳаракат номи, мақсад равиши, равишдошнинг *-гали, -гани* аффиксли шакли ва жўналиш келишигидаги айрим сўзлар ҳамда феълнинг шахс-сон қўшимчалари ёки тўлдирувчи вазифасидаги от билан комбинацияга киришган *деб*

<sup>1</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили (ўқув қўлланма). – Самарқанд, 2001. – Б.53

<sup>2</sup> Ўринбоев Б. Кўрс.манба – Б.53



ёрдамчиси билан ифодаланади<sup>3</sup>. Масалан: — *Келдингизми? — аёлнинг овози заиф чиқди. У дераза ёнидаги диванда чўзилиб ётарди. Ҳар галгидай эрига пешвоз чиқмоқ умидида бош кўтарди. Аммо мажоли етмай, яна бошини ёстиққа ташлаб юборди.* (Абдуллаев А., 107); *Ҳарир ниқоби остидан Ойхон-пошиша атрофга зимдан қараб боқди. Ажузалар ўнгини ўраб, улардан кейин рўбинондан сарупо олиши илинжсида турган катта-кичикка кўзи тушди.* (Исмоил А., 57) *Мингбошини мендан узоқ тутуши учун жон олиб, жон бериб уриниши керак бўлган Султонхон келганидан бери ҳар кун қулогимга эгилиб — иккала кундошимнинг гапини қайтаради... билолмай қолдим!* (Чўлпон, 231)

Ноаниқ мақсад ҳоли атайлаб, қасддан, жўрттага ёрдамчиларининг кесим препозициясида қўлланилишини талаб этади: *У Кенжанинг ким ва қандай одам эканини билмайди. Ким билади, балки у жўрттага шундай хат ёзгандир: борса ё уришиб берар, ё «шоир бўлмаган бир сен қолган эдинг, яқинда ариза ва қарорлар ҳам шеър билан ёзиладиган бўлади!» деб кўпчилик ичида ўсал қилар. Бормай қўя қолса-чи?* (Қаҳҳор А.Сароб, 71)

Ноаниқ мақсад ҳоли мавҳум интенциянинг экспликациясини нутқда воқелантириш учун қўлланилади, бироқ ҳар доим ҳам бундай эмас: *У эшикни ёпиб печкага суянди, сўнгра пальтосини ечиб каравотга иргитди-да, каравот ёнига борди, унинг остидан журналларни олди ва тиз чўкиб ҳаммасини варақлай бошлади; журналларнинг муқовасидаги литограф бўёқларининг ҳиди, нечукдир, димоғига хуш келар, уни атайлаб ҳидлар эди* (Қаҳҳор А.Сароб, 71).

Ушбу парчада «атайлаб» идентификатори мавҳум эмас, балки аниқ мақсад ҳоли бўлиб, «димоғига хуш келар» бўлаги орқали интенционал ҳолатнинг позитив бўёғига ишора қилмоқда.

Мақсад ҳоли кўрсаткичлари, демакки, коммуникатив интенцияни ифодалашда полицентрик функционал-семантик майдоннинг мақсад категорияси идентификаторлари орасида энг фаоллашган birlikлар қаторига кирадилар.

### Мақсад эргаш гапли қўшма гаплар

Бош гапдан англашилган мазмуннинг нима учун, нима мақсадда рўй беришини ёки бермаслигини кўрсатувчи эргаш гапларга мақсад эргаш гап дейилади. Мақсад эргаш гап бош гапнинг ёлғиз кесимидан ёки кесим гуруҳидан англашилган ҳаракат, ҳолат, белги-хусусият нима мақсадда рўй беришини ёки рўй бермаслигини англатади<sup>4</sup>.

<sup>3</sup>Раҳимов С., Умрқулов Б. Ҳозирги ўзбек тили. – Т, 2003. – Б.108

<sup>4</sup> Раҳимов С., Умрқулов Б. Ҳозирги ўзбек тили. – Т, 2003. – Б.109



Мақсад эргаш гап қуйидаги йўллар билан бош гапга боғланади:

1. Мақсад эргаш гап кўчирма гап мазмунида бўлиб, боғловчи вазифасидаги *деб* равишдоши орқали бош гапга боғланиб келади. Мақсад эргаш гап кўчирма гап шакли ва мазмунида бўлса ҳам сўзловчи фикрининг айнаи ўзгинаси бўла олмайди. Чунки бу фикр айнан ифодаланмайди, сўзловчининг ички нутқи, фикри, нияти бўлиб қолади.

А) *деб* боғловчиси ёрдами билан «бош гапга боғланган мақсад эргаш гапларнинг кесими, одатда, буйруқ феъли формасида бўлади. Буйруқ феъли, кўпинча, III- шахс формасида, баъзан эса, I ва 2- шахс шаклида бўлади:

*Эҳтимол танимассиз, сизнинг таърифингизни кўп эшитганман, кўндан бери бир дуонгизни олай деб, орзу қилардим.* (Саид Аҳмад, 23)

Б) *деб* боғловчиси ёрдами билан бош гапга боғланган мақсад эргаш гапнинг кесими шарт феъли формасида бўлади: *Кириб кўрай десам, доктор ижозат бермади. Менинг йўқлаб келганимни кўрса, далда бўладиган бирон сўз айтсам, зораки дармон бўлса деб кутдим.* (Қаҳҳор А., Даҳшат, 60)

Бу ҳолатда эргаш гапдан орзу-истак, мақсад мазмуни англашилиб, бош гапдаги ҳаракат, ҳолат қандай орзу-умид, мақсадлар билан вужудга келишини кўрсатади. Кесими шарт феъли билан ифодаланган мақсад эргаш гапларда орзу-умид мазмуни, кесими буйруқ феъли билан ифодаланган эргаш гапларга қараганда, қатъий бўлмайди. Бу ҳолатда эса эргаш гапдаги мазмун юзага чиқиши ҳам, чиқмаслиги ҳам мумкин: *Хорижда бўлганлар бунинг ўз кўзлари билан кўришган: кўпгина давлатларда автобуслар ҳаракатланиши жадвалига қатъий амал қилади. Бизнинг ҳолатда эса йўловчилар шояд келиб қолса, деб кутади.* (Интернетдан)

В) *деб* боғловчиси ёрдами билан бош гапга боғланган эргаш гапнинг кесими аниқлик феъли шаклида бўлади; бу феъл одатда ҳозирги-келаси замон формасида бўлади: — *Мен уни йўлга соламан деб, йўлдан урибман. Тупна-тузук йигит, энди Назокат аксирса, "лаббай" деб қўл қовуштириб турадиган "ойим супурги"га айланиб қолса-я.* (Абдуллаев А., 60)

Г) мақсад эргаш гапнинг кесими келаси замон сифатдошининг бўлишли ёки бўлишсиз формаси билан ифодаланади. Бу ҳолатда келаси замонда рўй бериши мумкин бўлган воқеа, ҳодисалар тўғрисида фикр юритилади. Келаси замонга оид бўлган воқеанинг рўй бериши ёки бермаслиги, қатъий қилиб қўйилмайди: *Бу каби суҳбатлардан кўп чиқса бир-икки латифа чиқар деб, Абдулла уруш саҳналарини "Бобурнома"дан ўқишгаю, Бобуршоҳ услубидан сабоқ олишга киришган эди.* (Исмоил А., 331)



Деб боғловчиси ёрдами билан бош гапга боғланган мақсад эргаш гапнинг кесими от кесим шаклида бўлиши ҳам мумкин. Бу хил эргаш гапнинг кесими ҳозирги келаси замон формасида бўлган бўлмоқ феъли билан бирикади. Бу ҳолда эргаш гапнинг кесимидан англашилган мазмун маълум замон тушунчаси билан боғланади, белги-хусусиятнинг ҳозирги-келаси замонда рўй бериши англашилади. *Эҳсон Муродхўжа домлани биледи, аммо сира ҳамган бўлмаган эди, бошдан-оёқ унинг сўзларига ноилож қулоқ солиб ўтиргани учун гапни яна чўзмасин деб, унга қарши ҳеч нарса демади.* (Қаҳҳор А.Сароб, 218)

Белги-хусусиятнинг ҳозирги пайтда рўй беришини англашмоқ учун, от кесимлар бўлмоқ боғламасисиз қўлланади: *Соат тўрт-беш орасида шифтга тикилиб ётганда эшик секин очилди. Эрим келдимикан, деб бошини кўтардию, ичкарига қўлини чўзиб кирган одамни кўриб, тошдек қотиб қолди.* (Чаён. [Интернетдан](#))

Деб боғловчиси ёрдами билан бош гапга боғланган эргаш гаплар ҳар вақт ҳам мақсад эргаш гап бўлавермайди. Бу типдаги эргаш гапларнинг айримлари равиш эргаш гап, ёки тўлдирувчи эргаш гап, ёки сабаб эргаш гап

бўлиши мумкин. Деб боғловчиси ёрдами билан бош гапга боғланган мақсад эргаш гапларнинг кесимлари келаси замон мазмунида бўлади. Агар кесимлар ўтган замон шаклида қўлланган бўлса, сабаб мазмунини ифодалайди: *Акамнинг ўгли бор эди. Унга давлат ёлғиз қолди деб, уй берди, озиқ-овқатлар олиб берди. Ҳозир у ҳам ўз ҳаётини йўлга қўйиб, яшаб юрибди.* (100 ёшгача яшаш қандай бўлади? Интернетдан) – мазкур қўшма гапнинг эргаш гап қисми «нима сабабдан уй берилди?» саволига жавоб бўлиб турибди, яъни мақсад импликацияси мавжуд эмас.

Эргаш гап бош гапга учун кўмакчиси орқали боғланганда баъзан сабаб имплицатураси ҳам бўлади. Эргаш гапнинг кесими буйруқ феълининг учинчи шахс шакли орқали ифодаланади. Мақсад эргаш гапнинг бу турининг кесими феъл кесим ёки от кесим шаклида бўлиши мумкин. От кесим бўлганда, буйруқ феълининг учинчи шахс формасида бўлган бўлмоқ боғламаси билан бирикиб келади: *Жадидлар ана шу ноҳуш манзарани ўзгартириш, Зеби фожиасининг бошқа такрорланмаслиги учун унинг, Раззоқ сўфиларнинг кўзини тирнаб бўлса-да очини ўзларига вазифа қилиб қўйдилар.* (Чўлпон, 283)

Учун кўмакчиси ёрдами билан бош гапга боғланган эргаш гапнинг кесими феълнинг бошқа шаклларида бўлиши ҳам мумкин: *Домла севинганидан қичқириб юбораёзди ва олдидаги қадаҳни тўкиб юборди, бундай шароитни тугдириш ўзидан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмаслигини ва Саудийнинг*



катта одам бўлиши учун умрини бағишлашга тайёр эканини билдиришга шошилди. (Қаҳҳор А. Сароб, 116).

Мақсад эргаш гап бош гапга токи боғловчиси ёрдами билан бириккан гаплар бош гапдан сўнг келади. Эргаш гапнинг кесими, одатда, III шахс буйруқ феъли формасида бўлади (эргаш гапнинг кесими от кесим бўлган тақдирда, буйруқ феъли шаклидаги бўлмоқ боғламаси келтирилади): *Сизга ботинган бир васиятим шуки, уйимда ёш, суюкли бир қизим бор. Уни ўз саройингизга, тарбиянгизга олинг, токи бизни боғлаб турган ришталаримиз узилмасин... – дейди ва жон беради. (Исмоил А., 414)*– ушбу сингари гапларда интенциянинг кескинлик ва экспрессивлик билан ифодаси сезилиб туради.

Мақсад эргаш гапнинг шундай формаси ҳам борки, унда эргаш гап бош гапдан сўнг келиб, эргаш гапни бош гапга боғлаш учун бош гапнинг кесимига *-чи* юкламаси қўшилиб келади:

- *Ха амаки сиз қаёққа!* - деб сўраса.

- *Менам кампирни олиб келгандим, қарайчи ким билан ўтирган экан?* - дермиш. *Рашик ёш танламайди...* (Иқбол Юсуф) – Бу қўшма гапда эргаш гап бош гапдан англашилган ҳаракат нима мақсадда рўй берганини кўрсатади, «қарайчи» феъли ўзида мақсад имплицатурасини мужассам этган. Бу сингари гапларда тўлиқ контекст талаб этилади, тугалланмаган, эллипсис қўлланилган ёки контекстдан юлиб олинган жумлаларда эса интенционал вазиятнинг характерини аниқлаш мумкин эмас.

Мақсад эргаш гаплар интенционаллик категориясини ифодаловчи синтактик восита сифатида иллокутив табиатнинг фаол ифода планига эгадир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Ҳикоялар тўплами. – 2008. – 74 б. //www.ziyouz.com кутубхонаси.
2. Абдуллаев А. Дард. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. – 2007. – 176 б.
3. Исмоил А. Жинлар базми ёхуд катта ўйин. – Т.: «Академнашр», 2016. – 416 б.
4. Саид Аҳмад. Танланган асарлар. II жилд. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. – 2000. – 278 б.
5. Тоғай Мурод. Танланган асарлар, 1-жилд. – Т.: «Шарқ» нашриётматбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. – 2008. – 297 б.
6. Чўлпон. Кеча ва кундуз. (Биринчи китоб: Кеча) – Т.: «Шарқ». – 2003. – 267 б.
7. Austen J. Pride and prejudice. – London: Penguin Books; Reprint. Edition. – 2002. – 480 p.
8. Austen J. Sense and Sensibility. Harvard University Press. – 2013. – 431 p.